

ЎЗБЕКИСТОН ХУДУДИДА УЧРАЙДИГАН ЎСИМЛИКЛАР ХУСУСИДА

Худойкулова Насиба Исмаиловна
Бухоро давлат тиббиёт институти

КАЛИТ СУЗЛАР : бангидевона, поя, барги, Урта Осиё, алколоидлар, гиосциамин, атропин ва скополаминлар. тамаки хиди, эфир мойи, каротин, ошловчи моддалар, уругида, мой.

Кискача аннотация: Ўзбекистон худудида жуда кўп шифобахш усимликлар усади. Улар халқ табобатида ва илмий тиббиётда кенг қулланилади. Улардан тайёрланган дамламалар, қуритилган барг ва гуллари халқ орасида маълум бир касалликларда фойдаланиб келинмоқда. Шу жумладан бангидевонани ҳам зарарли ва фойдали хусусиятлари ҳақида фикр юритилган.

Бангидевона - Дурман обыкновенный (*Datura stramonium L*) буйи 1 м келадиган бадбуй хидли итузумдошларга мансуб бир йиллик усимлик. Барглари катта 20 см га етади, тухумсимон, чети эса йирик тишли. Гули йирик, ок варонка шаклида, барг култигида биттадан урнашган. Меваси тиканлар билан қопланган, турт чанокли қусакдан иборат.

Бангидевона (*Datura stramonium L*) асосан гунг ва ахлат тукиладиган ерларда, ташландик ховлиларда, мол фермалари атрофида, экинзорлар четидаги экин экилмайдиغان лахтак ерларда, баъзан йул ёкаларида усади. У Ўзбекистоннинг деярли ҳамма областларида учрайди.

Бангидевона ер юзида жуда кенг тарқалган. Уни Европа, Осиё ва Африканинг иссик ва муътадил минтақаларига жойлашган ҳамма мамлакатлардан топиш мумкин. Бу усимликнинг илмий номи (*Datura stramonium L*) .

Бангидевона майнинг охири июндан бошлаб гуллайди, лекин гуллаш даври сентябргача давом этаверади. Олдинги гуллардан ҳосил булган мева июль охирида пишади. Хар бир мевада 23 мингга яқин катталиги 3 мм келадиган уруг етишади. Меваси тухумсимон, каттик ва йугон тиконлар билан қопланган булади.

Бангидевона (*Datura stramonium L*) ута захарли усимлик. Унинг баргларида 0,23 – 0,37 %, поясида 0,06 – 0,24 %, илдизида 0,12 – 0,27 %, гулида 0,13 – 1,9 % ва уругида 0,5 – 0,22 % захарли алкалоидлар борлиги аниқланаган. Бу усимликлардаги асосий алкалоидлар гиосциамин, атропин ва скополаминлардир. Бундан ташқари бангидевона баргида 0,14 % уткир тамаки хидига ухшаш эфир мойи, 0,1 % каротин, 1,7 % ошловчи моддалар, уругида эса 17 % дан 25 % гача мой борлиги аниқланган.

Бангидевонадан (**Datura stramonium L**) хар кандай уй хайвони хам захарланиши мумкин. Хайвонлар умуман бангидевона аралашган пичанни истеъмол килиши натижасида захарланади, чунки унинг захарлилик хусусияти куриганда хам сакланиб қолади. Куримаган усимлик билан купинча ёш моллар : бузок, улок ва кузилар захарланадилар, катта моллар эса уни бутунлай емайди. Молнинг каттик захарланиши учун 0,8-1,2 кг бангидевона утини ейиш кифоя. Бир ярим ош қошик бангидевона уругини еган отнинг каттик захарланиб улгани кузатилган.

Бангидевона (**Datura stramonium L**) билан захарланган хайвонларда хаммадан олдин каттик асабий безовталаниш руй беради, мол хуркович булиб қолади, хамма вақт узини мухофаза килиб туради, тепади, тешади, сузади ва тишлайди. Бош ва буйин мускуллари доимо кискариб туради, шунинг натижасида хайвоннинг бурун тешиклари катталашиб кетади. Куз соккаси уйнаб туради, корачиг кенгайиб кетади. Хайвон худди кутирганга ухшаб қолади.

Текширишлар шуни курсатадики, захарланган хайвонларда юрак киши бузилади, нафас олиш тез ва юзаки булади, огиз курийди, лабларда купик пайдо булади. Сийдик ажралиши тухтаб қолади.

Каттик захарланган хайвонлар 4-6 соат ичида нобуд булади. Агар касаллик чузилса 1-3 кундан сунг хайвон жуда заифлашиб қолади, юрганда оёкларини чалишиб йикилади ва у палаж булади.

Бангидевона (**Datura stramonium L**) барглари жуда кадим замонлардан бери халк табобатида хозирги даврда эса илмий медицинада нафас кишиш, куксов ва кукйутал касалликларини даволашда муваффакият билан кулланилади.

Абу Али ибн Сино бангидевона усимлиги ва баргларини куз касалликлари ва йутални даволашда ишлатиладиган дориларга кушиб тайёрлаган.

Астмано ва астматин деб аталадиган дори бангидевонадан тайёрланадиган йигилмалар таркибига хам кушилади. Шунинг учун хам хозирги вақтда бангидевона доривор утлар каторида Украина ва Краснодар улкасида устирилади..

Фойдаланилган адабиётлар

- 1 Jumaeva Sh.B. Taxonomic composition and physiological activity of phytoplankton in biological ponds of the Bukhara region // Journal of Natural and Medical Education. Year 2023. 2835-303X.
- 2 Жумаева, Ш. Б. Куйимазор ва Тўдакўл сув омбори сувўтларининг таксономик хусусиятлари // Образование наука и инновационные идеи в мире. 2023. 70-73 б.

- 3 Жумаева, Ш. Б. (2023). КУЙИМАЗОР СУВ ОМБОРИ СУВЎТЛАРИНИНГ ТАКСОНОМИК ХУСУСИЯТЛАРИ. Лучшие интеллектуальные исследования, 8(2), 53-57.
- 4 Жумаева, Ш. Б., & Субхонова, Ш. Э. (2023). АМУ-БУХОРО МАШИНА КАНАЛИ СУВЎТЛАРИНИНГ ТАКСОНОМИК ХУСУСИЯТЛАРИ. World scientific research journal, 21(1), 53-56.
- 5 Жумаева, Ш. Б., & Субхонова, Ш. Э. (2023). АМУ-БУХОРО МАШИНА КАНАЛИ СУВЎТЛАРИНИНГ ТАКСОНОМИК ХУСУСИЯТЛАРИ. World scientific research journal, 21(1), 53-56.
- 6 Худойкулова Н.И. (2018). Пути воспитания толерантности у молодежи. Наука, Техника и образование, (11 (52)), 98-100.
- 7 Худайкулова, Н.И. (2022). ХИМИЧЕСКИЕ И ФИЗИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ ИХ ВЛИЯНИЕ НА ИММУННУЮ СИСТЕМУ ОРГАНИЗМА. Научный прогресс, 3 (1), 891-895.
- 8 Худойкулова, Н.И. (2022). АНАЛИЗ И РАСПРОСТРАНЕНИЕ АНОМАЛИИ ВРАЙДЕННИКС В БУХАРСКОЙ ОБЛАСТИ. Научный прогресс, 3 (1), 954-957.
- 9 ХУДОЙКУЛОВА Н.И. (2022, февраль). ВРОЖДЕННЫЕ АНОМАЛИИ, АНАЛИЗ И РАЗВИТИЕ В НАВОИЙСКОЙ ОБЛАСТИ. МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ФИЛОСОФСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ И СОЦИАЛЬНЫХ НАУК 2(2) (стр.46-49).
- 10 Худойкулова, Н. И. (2022). ПУТЬ НЕДР ОХОТНИЧЬЕГО ТУРИЗМА в ОХОТНИЧЬЕМ ХОЗЯЙСТВЕ . Международный журнал философских исследований и социальных наук, 2 (2), 213-219.
- 11 Худайкулова Н. И. (2022). ВНЕШНИЕ ФАКТОРЫ И ИХ ВЛИЯНИЕ НА ИММУННУЮ СИСТЕМУ ОРГАНИЗМА . (С.343-348)
- 12 Худойкулова Н.И., Усманова М.А. (март 2022 г.).ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ЖИВОТНЫХ, ОБИТАЮЩИХ в ПУСТЫННОЙ ЗОНЕ БУХАРСКОЙ области // Международный научно-образовательный электронный журнал "Образование и наука в XXI веке". Выпуск № 24 (полный 6) ул.1359-1362
- 13 Худайкулова Н.И. (2022) ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА ИММУННУЮ СИСТЕМУ ЧЕЛОВЕКА Международный научно-образовательный электронный журнал "Образование и наука в XXI веке". Выпуск № 24 (т.6) (март,). Стр.1363-1367.
- 14 Худойкулова Н.И.(2021) Новая информация о видах животных, на которых охотятся в пустынной зоне Узбекистана Информационный бюллетень Академии Хорезма Мамуна: научный журнал.-№11 (82.) 75-78 б.

- 15 Худайкулова Н.И., Назарова Ф.И.(2021) Конкурентоспособность и качество продукции в сфере текстильной промышленности Информационный бюллетень Хорезмской академии Мамун: научный журнал.- №12 (83), 158 - 161 б.
- 16 Худойкулова Н.И. (2020) Информация о зоопланктоне Тоадакульского водохранилища Вестник Хорезмской академии Мамуна: научный журнал.- №9 (66), 68-70 б..
- 17 Худойкулова Насиба Исмаиловна (2024)ЎСИМЛИКЛАР ОЛАМИДАГИ АЖОЙИБОТЛАР . TA'LIM VA RIVOJLANISH TANHLILI ONLAYN ILMIY JURNALI Jild: 04, Nashr: 03 | mart - 2024 ISSN: 2181-2624 www.sciencebox.uz 75-80 б.
- 18 Худойкулова Насиба Исмаиловна Особенности Лекарственного Растения, Lagerstroemia Indica L Произрастающее На Территории Узбекистана, RESEARCH JOURNAL OF TRAUMA AND DISABILITY STUDIES Volume: 3 Issue: 3 | March–2024 ISSN: 2720-6866 37-43 стр
- 19 Xudoyqulova Nasiba Ismailovana IBN Sino Hayotiga BIR Nazar Jild: 02 Nashr:12 2023 yil ISSN: 2181-3464 <https://sciencebox.uz> „AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMIY JURNALI. 537-543 бб
- 20 У Худойкулова Насиба Исмаиловна Ибн Сино – Багрикенглик Гояларининг Ешлар Тарбиясидаги Урни. Jild: 02 Nashr:11 2023 yil ISSN: 2181-3464 Website: <https://sciencebox.uz> 336-339 бб
- 21 Худойкулова Насиба Исмаиловна НЕБЛАГОПРИЯТНЫЕ ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ УСЛОВИЯ, ВЛИЯЮЩИЕ НА ИММУННУЮ СИСТЕМУ ЧЕЛОВЕКА. RESEARCH JOURNAL OF TRAUMA AND DISABILITY STUDIES. Volume: 02 Issue: 11 | Nov – 2023 ISSN: 2720-6866 <http://journals.academiczone.net/index.php/rjtds> . 136-140 стр.
- 22 Khudaikulova. I. Ways to Reduce Starch Content and Product Quality in the Textile Industry BEST JOURNAL OF INNOVATION IN SCIENCE, RESEARCH AND DEVELOPMENT ISSN: 2835-3579 Volume:2 Issue:10|2023 234-239